



Туркистон Тонги

E-mail: gazeta@turkistontongi.com



Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

Турк тилли давлатлар Ҳамкорлиги Кенгашининг байроғи тасдиқланди.



Туркий давлатлар Ҳамкорлиги Кенгашининг янги байроғи.

2012 йилнинг 23 августида Бишкек (Қирғизистон) да Туркий давлатлар Ҳамкорлиги Кенгаши (ТДХК)нинг Саммити бўлиб ўтди. Саммитда Туркия президенти Абдулла Гул, Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон президенти Алмазбек Атанбаев ва Озарбайжон бош вазири Артур

Расизода иштирок этди (Озарбайжон президенти Илҳом Алиев “объектив сабаблар”га кўра қатнаша олмаган, деб тушунтирди Қирғизистон ташқи ишлар вазири Руслан Казакпаев).

Саммитда Турк тилли давлатлар Ҳамкорлиги Кенгашининг байроғи тасдиқланди. ТДХК нинг Бош қотиби Халил Ақинжининг тушунтиришича, “байроқнинг асосий ранги зангори бўлиб у Қозоғистон байроғидан, ярим ой Туркия байроғидан, ой остидаги юлдуз Озарбайжон байроғидан олинган. Ой атрофидаги шаъла сочаётган қуёш эса Қирғизистон байроғидан олинган”, деб иқтибос келтиради Қирғиз телеграф агентлиги Ақинжидан.

Саммитда, байроқни тасдиқлаш билан бирга турли муҳим ҳужжатларга имзо чекилган, деб хабар қилади Қирғизистон президенти матбуот хизмати ходими. Яъни, Саммитда Туркий давлатлар Ҳамкорлиги Кенгаши (ТДХК) нинг молиявий қоидалари бўйича, ТДХКнинг Туркий академиясини таъсис этиш ҳақида, ТДХК нинг турк тилли халқлар маданияти ва ёдгорликларини қўллаб қувватлаш Фондини ташкил этиш хусусидаги келишувларга имзо чекилган. Шунингдек, Туркий давлатлар Ҳамкорлиги Кенгашининг Иккинчи Бишкек Саммити Декларацияси ҳам қабул қилинди.

Қирғизистон Телеграф агентлиги хабари асосида тайёрланди.

ТУРКИЙ БИРЛИККА ОЛИБ БОРУВЧИ ЙЎЛ - УМУМИЙ ИМЛО, УМУМИЙ ТИЛ, УМУМИЙ ТАРИХ, УМУМИЙ АДАБИЁТ...

Туркий халқларнинг инсоният маданиятига қўшган бебаҳо ҳиссаси бугунги кунда ҳаммага аён. Туркийлар бу муваффақиятларга барча турк тилли халқларнинг хизматлари туфайли эришдилар. Бироқ, кейинги асрларда юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар дунё турклари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг сусайишига, баъзи ҳолларда бутунлай барҳам топишига олиб келди.

Кўплаб мамлакатларда кечаётган интеграция жараёни сабабли турк дунёсида ҳам маданий, ижтимоий, илмий, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва бошқа соҳаларда бирлашиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу маънода туркий давлатлар ва автоном ташкилотларнинг дўстлик, қардошлиқ, фаолиятдошлиқ Қурултойлари, туркий давлатлар лидерларининг саммити ўтаётгани, Туркий давлатлар Парламент Ассамблеяси тузилгани, бу ташкилотлар дохил мажлисларда туркий давлатлар лидерларининг, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркманистондаги таниқли шахсларининг бу тадбирларда қатнашиб нутқ сўзлаганлари диққатга сазовар. Бу йиғинларда олинган қарорлар қўллаб қувватланишга лойиқдир. Қарорларнинг кўп бандлари амалга ошаётгани ҳам мақтовга лойиқ.

Интеграциялашиш жараёнини тезлаштириш учун давлат бошлиқлари томонидан фойдали бўлган бир қанча одимлар отилиши, яна бир қатор муҳокамалар, ишлар амалга

оширилиши керак бўлади. Бу қадамларнинг зарурлиги, у умумтурк бирлигини амалга ошириш учун кераклиги Турк дунёсининг таниқли шахслари томонидан вақти-вақти билан айтилиб, исботланиб келинди.

Шу айтилганлардан келиб чиқиб, интеграцион жараёнларнинг муҳим факторлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Турк халқлари фойдаланадиган Умумтурк имлосини яратиш. Турк мамлакатлари бошлиқлари сиёсий иродаси асосида тузилган мутахассислардан иборат комиссиянинг ушбу имлонинг яратиши, навбатдаги Туркийлар Қурултойининг ўтказилиши бу мақсадни охирига етказди.

2. Туркий халқлар фойдаланиши мумкин бўлган умумтуркий тил яратиш. Умумтурк тилини шакллантириш интеграция жараёнининг муҳим қадамларидандир. Умумтурк имлосини аниқлаш эса, ягона туркий тил яратилишида жиддий рол ўйнайди.

3. Барча туркий халқлар фойдаланиши мумкин бўлган умумтурк тарихини яратиш. Туркий халқлар тарихига умумий қарашнинг шаклланиши бугунги кунда жиддий натижалар беради.

4. Туркий халқлар фойдаланиши мумкин бўлган умумтурк адабиётини тайёрлаш. Бугунги шароитда инсоният маданиятига тенгсиз ҳисса қўшган туркий халқлар умумий адабиётини шакллантириш ўта муҳимдир.

Бу ўз навбатида Туркий оламнинг интеграциясида катта аҳамият касб этувчи Туркий тарих ва Туркий адабиёт соҳасидаги қўлланмаларнинг пайдо бўлишига шароит яратади.

Умумтурк бирлигини шакллантириш йўлидаги ишларни дунёда кечаётган глобаллашув жараёнининг ажралмас қисми деб ҳисоблаш керак. Дунёда тил, дин, жўрофиялик яқинлик туфайли ёки сиёсат, иқтисод, ҳарбий қизиқишлар асосида бирлашган халқлар оз эмас. Бу бирлашувларнинг ҳар бири ҳудудий ва глобал тинчлик учун у ёки бу даражада ҳисса қўшган деб ҳисоблаш мумкин. Шу қарашдан келиб чиқилса, туркий бирлик ҳам ҳудудий ва глобал тинчликка жиддий ёрдам бўлади. Аммо юқорида саналганларни амалга ошириш учун кўп ишлар қилиш лозим.

Туркий давлатлар бошлиқларининг сиёсий иродаси, жамоатчиликнинг жиддий ишлари ва мутахассисларнинг хизматлари юқорида айтилганларнинг тезроқ амалга ошувига олиб келади. Шуларни ҳисобга олиб, давлат бошлиқларига мурожаат қилиш ва мутахассислардан иборат комиссия ташкил қилишни таклиф этамиз. Олдинданок айтиб қўяйлик, комиссия тузилса, биз унинг фаолиятини қўллаб қувватлаймиз ва олинган қарорларнинг амалга ошуви йўлида ҳар қандай хизматга тайёرمىз.

Интернетдан олинди.

Озарбайжончадан Б. Норбоев таржимаси.

Ушбу сонда:

«ҚАМОҚДА
ЎТГАН ҲУҚУҚ
ҲИМОЯЧИСИГА
МУКОФОТ»

2-бет.



«ШЕЪРИЯТ БОНГ
УРГАНДА...»

3, 6 бет



ЎЗУВЛАР ТАРИХИГА
БИР НАЗАР...

4-5 бетлар



ШЕЪРИЯТ
САХИФАСИ

7 - бет




ЭРКАКМИСИЗ? ЙЎҒ-Э!

8 бет



ҚАМОҚДА ЁТГАН ХУҚУҚ ҲИМОЯЧИСИГА МУКОФОТ

Ёдгор Обид



Сурада қийноққа тутилганлиги юзидан ҳам кўриниб турган Азимжон Асқаров.

Асосий маркази Нью-Йоркда жойлашган, журналистларни ҳимоя қилиш Қўмитаси (CPJ.org) ўз ҳокимиятини суистимол қилган Бразилия, Хитой, Қирғизистон ва Либерия каби давлатларнинг бедодликлари, бу мамлакатларнинг Инсон ҳуқуқлари бузганлигига қарши ўлароқ ўз ҳаёти ва озодлигини гаровга қўйиб, ҳокимиятларнинг зўровонликлари ҳақида хабар таркатган тўрт Инсонга 2012 йил учун (2012 International Press Freedom Awards) матбуот озодлиги Халқаро мукофотини беришга қарор қилди.

Лауреатлар: ўзларининг фаолиятлари учун қаттиқ қатғонга, ҳужумга, қўрқитиш ва қийноққа учраган - Маури Кёниг (Gazeta do Povo, Бразилия), Маэ Азанго (FrontPage Africa и New Narratives, Либерия), шунингдек, ҳужжатли асарлар муаллифи, ҳозиргача қамоқда қолаётган тибетлик ижодкор - Дхондуп Ванчэнъ ва «Фергана» ҳамда «Озодлик овози» («Голос свободы») билан ҳамкорлик қилган - Азимжон Асқаров!

“Азимжон Асқаров ҳукуматнинг расмий ташкилотларидаги коррупцияни фoш этган қатор репортажлари учун бир умрлик қамок жазосига ҳукм этилган, Ванчэнъ Хитой ҳокимлари бошқараётган Тибетликлар ҳаёти ҳақида ҳужжатли фильмни дунёга танитгани учун 6 йилга

қамалган”, дейилади Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан 2012 йилнинг 13 сентябрида тарқатилган баёнотда.

Эслатиб ўтамиз: жанубий Қирғизистоннинг Жалолобод шаҳрида яшаган маҳаллий ўзбек Азимжон Асқаров 2010 йилнинг 15 сентябрида бир умрлик қамок жазосига ҳукм қилинган. У ҳукмдан уч ой олдин Қирғизистон жанубида бўлиб ўтган конли воқеалар дохил оммавий тартибсизликларни уюштирганликда гумонланиб, милиция ходимини ўлдирганликда айбланиб қамоққа ташланган эди.

Азимжон Асқаров ростдан ҳам бу пайт Бозорқўрғонда бўлган ва ҳатто ва ўзининг ҳуқуқбонлик фаолиятига кўра юз бераётган воқеаларни ҳужжатлаштирган. Тергов қонунбузарликлар билан олиб борилган, Асқаров қийноққа тутилган ва таҳқирланган, оқловчилар ва халқаро кузатувчиларга кўра, театрлаштирилган судда ҳуқуқбоннинг жинояти ҳақида биронта реал ҳужжат кўрсатилмаган.

Асқаровнинг дўстлари ва маҳаллий ҳуқуқбонлар унинг устидан ўтказилган маҳкамани ноҳақлик ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари томонидан олинган қасос эканлигига ишонадилар. Милиция ходимлари илгаридан Азимжан Асқаровга тиш қайраб юришган. Улар ҳали Курмонбек Бакиев ҳукмронлиги давридаёқ (2005-2010) Жалолободлик ҳуқуқбоннинг жабрланувчилар томонда туриб, милиция ва судлардаги бедодликларни, “ҳақмаҳкамачилар”ни фoш этганидан аламзада эдилар.

Бизни бу журналистларнинг ҳақиқат учун кураш йўлида букилмаслиги содоқатлари руҳлантиради, - дейди Журналистларни ҳимоя қилиш Қўмитасининг ижрочи директори Джоэл Саймон. “Улардан икитаси Азимжон Асқаров ва Дхондуп Ванчэнъ ўзларининг танқидий репортажлари учун ҳибсга олинганлар ва қамоққа ташланганлар. Биз уларни озод қилмагунларигача тиниб тинчимаймиз”.

Мукофотлар 2012 йилнинг 20 ноябрида, ҳар йили лауреатларни шарафлаш учун ўтказиладиган зиёфат пайти тақдим қилинди. Азимжон Асқаров ва тибетлик Дхондуп Ванчэнъга мукофотлар сиртдан топширилади...

“Фергана” Хабар Агентлиги

ҲИБСДАГИ ДЎСТГА

1

Тиконли симларга қадалган нигоҳ,
Тиконли симларга ўралган тақдир...
... Ўйлар - оғир тугун. Оғрикли сўроқ,
Қадамлар товуши қоришиқ таҳқир...

2

“Куёш ботаябди...” “Нима ишинг бор,
Унинг йўли бошқа. Сеники бошқа...”
Шафақ нурларига илашиб ночор-
Тутқун хаёл урар бошини тошга.

3

Залворли одимлар. Синиқ товушлар.
Кишанбанд эзгулик. Кишанбанд орзу.
Юрак зил тортади. Вужуд увушар.
“Тақдир- шу. Ватан- шу. Эркисиз элинг-шу!”

4

Туркистон, Туркистон, буюк ҳибсхона,
Ўз элин бағрида банд этган Ватан,
Орзудан бегона. Рухдан бегона....
Мен-хаста жондирман. Сен-хаста бадан.

5

Хаёлимни бўғар. Бўғзимни бўғар-
Тиконли симларга айланган тақдир.
Фарёдим бағрингга қандайин сиғар-
Сенсиз- мен сағирман. Менсиз- сен сағир.

Тонги йўқтун бўлмас. Ноумид- шайтон.
Қалблар талпинади. Тепади юрак.
Талпина- талпина ёғдулар томон-
Нигоҳлар ханжарга айланса керак.

Ўзбекистон ва Қозоғистон президентлари қўшма баёнот имзолади



Жорий йилнинг 6-7 сентябрь кунлари Ўзбекистон президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикасига расмий сафар қилди ва президентлар сафар доирасида қўшма баёнот имзолади.

Баёнотда “терроризм, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик, ноқонуний қурол-яроғ савдоси ва бошқа трансмиллий таҳдидларга қарши биргаликда курашиш” зарурлиги қайд этилди. Томонлар Афғонистондаги вазиятнинг имкон қадар тезроқ изга тушиши ҳамда барқарорликни таъминлаш учун кўптомонлама тузилмалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида яхши қўшничилик, дўстона ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, замонавий муаммо ва таҳдидларга самарали қарши туриши учун ШХТ имкониятларини кенгайтириш мақсадида сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорликни ривожлантириши” ҳақида баёнот берди.

Бундан ташқари, Қирғизистоннинг Сирдарёнинг юқори оқимида гидротехника иншоотлари куриш тўғрисидаги режаси ҳам икки мамлакат раҳбарларининг муҳокама мавзусига айланди ва томонлар уларнинг курилиши “экспертлар хулосасидан сўнг, БМТнинг тегишли Конвенциясига кўра, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси билан албатта келишилиши зарурлиги”ни билдирди.

Манба: **Politfond**

Ботир Норбой филология фанлари доктори

Гапнинг аввали...

Халқимиз демократик жамиятда яшаб кўрмаган бўлсада, инсонийликни улуғлаган, халқпарвар жамиятни орзу қилган ойдinларимиз, шоир ва ёзувчиларимиз тарихда оз бўлмаган. Халқнинг орзу умидларини қуйлашга масъул бўлган адабиёт, хусусан, шеърятда озми кўпми демократик кадриятларни қуйлаш, уларни тарғиб этиш тамойили бор...

Демократик тамойилларга интилиш, Инсоний кадриятларни қуйлаш қадим даврлардан, хусусан, Аҳмад Яссавий, Лutfий, Отойи ва Навоийлардан бошланган десак янглишмаймиз. Навоийнинг “Одаме эрсанг демагил одаме, аниким, йўқ халқ ғамидин ғами” мисралари демократик адабиётнинг бош шиори бўлмоғи керак. Аммо халқпарварлик, инсонпарварлик ғояларининг Туркистонда нисбатан кенг кулоч ёйилиши XIX аср

охири ва XX аср бошларига тўғри келади. Чунки, худди шу даврда **Жадидизм** **ҳаракати** тезроқ ривож топа бошлаган эди. Жадидлар асосан зиёли табақаси вакиллари бўлиб, мактаб ва мадрасаларда фақат диний илмларнигина эмас, дунёвий фанларни ҳам ўқитиш тарафдори бўлиб чиқдилар. Аммо бу ғоялар тез ғалаба қила олгани йўқ. Таълим тарбия масаласида, ҳатто, Амир Темур ва Улуғбек даврларидан ҳам орқага кетилган пайтлар бўлди. Қадимчилар деб ном олган дин пешволари тараққийпарвар жадидлар билан баҳслашишар ва кўпинча анъанавий яшаш ва илм олишни кўллаб қувватлашарди. Амир ва беклар раҳнамо бўлгани учун кўп ҳолларда жадидлар эмас, қадимчилар енгиб чиқарди. Улуғ тарихчи олимимиз Боймирза Ҳайитнинг гувоҳлик беришича, ўтган асрнинг бошларида Бухорода қадимчиларнинг қўллари баланд келган. Бироқ, тараққийпарвар жадидлар ҳам ўз ҳаракатларини давом эттирган худудлар бор эди. Бу ҳақда Боймирза Ҳайит шундай дейди: “Аммо XIX асргача бир гуруҳ мударрислар мактаб ва мадрасаларда барча илмларнинг ургатилиши фикрларидан ва талабаларидан воз кечмагандилар. XIX асрда Самарқандда Абу Саид, Андижонда Фозил домла, Вобкентда Мумин Хужа, Бойсунда Мулла Худойберди ва Козонда Шаҳобиддин Маржоний каби олимлар мадрасаларда Шерозийдан олдинги илмларни қабул қилиш фикрини илгари сурардилар, фақат муваффақиятга эриша олмадилар”. (Б. Ҳайитнинг: «Миллий эгитим ва култур», (миллий таълим ва маданият) журналида 1981 йил босилган мақоласидан)

XX аср бошларига келиб, узок замонлардан бери у ёки бу тарзда ўртага отилган жадидчилик ғоялари туркия турклари, қрим татарлари, озарбайжонлик адиблар таъсирида Туркистон худудларида янада жиддийроқ тараққий топа бошлади. Жадидчиликнинг тарқалиш географияси

ва мақсадлари ҳақида улуғ тарихчи олимимиз Боймирза Ҳайит юқорида айтилган босилган мақоласида яна шундай деб ёзади: “XIX асрда бутун ислом дунёсига ислоҳ йўли билан замонавийлашиш жараёни ҳоким эди. Туркистонда, Усмонли императорлиги Истамбул, Қрим, Озарбайжон, Қозон, Ҳижоз ва Ҳиндистонда, мусулмон ҳаётини ислоҳот ўтказиш йўли билан янгилаш фикрлари тарқалаётган эди. Усмонли императорлигидан Мустафо Рашид Пошонинг ислоҳот ғояси, Қрим олими Исмоил Гаспирали Бейнинг, Озарбайжоннинг маърифатпарвар ёзувчиси Мирза Фатали Охундзоданинг ва Козонда Шаҳобиддин Маржонийнинг ғоялари хожилар, мактублар, сайёҳлар ва тужжорлар воситаси билан Туркистондаги зиёлиларга илҳом бермоқда эди... Жадидчилик ҳаракати, янги усулда таълим ва тарбияни теваракдаги Оврупо цивилизациясига мослаштириш эмас, балки Оврупо

Инсондай муомала қилиш зарурлигини таъкидлайди. Фурқат: “Эй, Кўкон боёнлари, сизлардай инсонларга туф, талтайиб фойтунда сурган даври давронларга туф”, сингари мисралар битаркан, жамиятдаги зулм ва зўровонлик тузим ҳомийлари туфайли юз бераётганини урғулайди. XIX аср охири XX аср бошларидаги аҳвол шундай эди. Оддий халқнинг эркин вакиллари, бою баёнлар, амалдорлар томонидан, худди Абдулла Қаҳҳор, “Ўғри” ҳикоясида ҳам тасвирлангандек, асосан паст назар билан қаралар, ва уларнинг талаб истаклари ҳисобга олинмасди. Ижтимоий-сиёсий фаол одамларга, уюшмаларга эга бўлмаган жамият ҳамиша шу хил касалликлар билан оғриб келган...

Туркистон худудида жадидчиликнинг тарқалишида Исмоил Гаспиралининг ҳиссаси катта бўлди. Қримлик бу фидоий олим чоп этган “Таржумон” газетаси айнан жадидчиликнинг шаклланишида муҳим рол ўйнади. Жадидчилик ғоялари

килибгина қолмасдан мактаб очишни кескин бир йўсинда талаб қилишарди. Аваз Ўтар амалдорларга қарата: “Йўкса, одамимиз, очиб, мактаб, илм билдирсангиз, беҳабар илми хунардин, бизни ҳайвон этдингиз”, дея ҳайқирди. Ёшларга: “Ғайри тилини саъй қилинг, билгали ёшлар, тил билмаганичун Авазнинг бағри тўла қондир”, дея насиҳат қилди. Айний, Ҳамза, Авлоний сингари қатор шоирлар ижодидан ҳам бу хил шеърларни топиш мумкин.

Садриддин Айний замонавий мактаблар очилишининг ижтимоий аҳамиятини шундай тушунтиради:

Мактабсизлик бизни қилди яп-яланғоч,

Мактабсизлик бизни этди талон-тароҷ.

Мактабсизлик Турон элин ўлдирди оч,

Кўзингни оч, бу хўрликдан мактабга қоч.

Бу шоирлар маърифатчи, тараққийпарвар жадидларнинг вакили сифатида ижод қилишаркан, оммани маърифатли қилиш, уларни маълум жамиятларга уюштириш йўли билан халқ онгини ўстириш, шу орқали мустақилликка, ҳеч бўлмаса, мухториятга эришиш мумкин, деб ўйлардилар. Аммо худди ҳозирги Ўзбекистондагига ўхшаб, амир ва беклар халқнинг замонавий билим олишларини ва онглари ошишини кўп ҳам ҳоҳлашмас, онгли аҳоли турли уюшмаларга жам бўлиб, фирқалар пайдо бўлишидан, ўзларининг яккахокимлик тизими ўзгаришидан ҳайқишарди. Шу тарихи ўша пайтда ҳам марифатдан, сиёсий маданиятдан узок шахслар турли табақалар орасида кўпая борди. Жадид шоирлар эса, марифат ва маданиятли инсонларни тарбиялаш йўлида тинимсиз ҳаракат қилдилар.

Агар Ҳамзанинг ижтимоий фаолиятига диққат қилсангиз, у гоҳ Фарғонада, гоҳ Қорақалпоғистон ёки Хоразмда замонавий мактаблар очиб, камбағалларнинг болаларига таълим бераётганини, гоҳ труппа тузиб, турли спектакллари, томошалари билан халқнинг кўзини очишга интилаётганини кўрасиз. 1905—1917 йиллар шеърятининг, хусусан, А. Авлоний шеърларининг тадқиқотчиси Бегали Қосимовнинг ёзишича, Авлоний ҳам Тошкентда туриб шу хил ишларни бажарган. 1904 йилда Мирободда мактаб, 1909 йилда дўстлари кўмағида мактаб-маориф ишларига ёрдам кўрсатувчи «Жамияи хайрия» очган. 1913 йилдан эса театрчилик ишларига киришиб кетган.

Бегали Қосимов бу шоир ижодининг давр билан боғлиқлиги ҳақида яна шундай дейди: «Авлоний, поэзияси билан танишар экансиз, кизиқ бир ҳолга дуч келасиз. Унда бирорга ишқий шеър йўқ. У ижтимоий муаммоларни, эл-юрт ғамини муҳимроқ билади. Халқ ва Ватан бахтсизлиги олдида ҳар қандай муҳаббатни рад этади.

(Давоми 6-бетда)

ШЕЪРИЯТ БОНГ УРГАНДА...

(XX аср 1 чи чорағидаги шеърлар мисолида)

цивилизациясини ўрганиб, уни миллий маданиятга хизмат эттиришнинг бир ифодаси эди... Усул-и Жадид мактаблари бой турклар томонидан қурилаётган, уларнинг мудирлари ва ўқитувчилари эса мадраса таҳсили кўрган, Оврупо ва бошқа турк мамлакатларидан келаётган фикрларни газета ва журналлар воситаси ила ўрганган зиёлилар эди. Янги усулда дарс бериш йўлини ўрганмоқ учун Туркистондан Қримга вакил ўқитувчилар юборилганди. Мактабларда турк тили грамматикасини қулай ўргатмоқ учун Мунаввар Қори 1901 йилда «Адиб-и соний» номли китоблар ёзган ва нашр эттирган эди”.

Халқнинг руҳий аҳволини акс эттирувчи, унинг кайфиятини ифодаловчи асарларда демократик тамойилнинг асосий белгилари кўриниб туради. Муқумий, Фурқат гарчи хон ва амалдорларга қарши очиқ ойдin асарлар битмаган бўлсаларда, уларнинг тиргаги бўлган, оддий халқни бир тийинга олмайдиган “Ёқаси тугмалик” амалдорлар, инсофсиз бойларга қарши илгариги шоирлардан кўра кескинроқ ғазаллар ёзганлар. Муқумий бир ғазалида: “Зулм ила қаҳру ғазаб изҳор қилмоқ шунчалар”, деб ёзаркан, аёнларни ҳар бир Инсонга инсон сифатида муносабатда бўлмаганини, одамнинг бой ёки камбағаллигига қараб муомала қилинаётганини айтиб:

Келса олдингизга бойсурат ёқоси тугмалик,

Иззат ила, шоду миннатдор қилмоқ шунчалар,

Гарчи келса, эски тўн, биздек дуоғўйи фақир,

Камбағалнинг хирқасидан ор қилмоқ шунчалар,

дея айблади. Шу тарихи Инсонга

ҳозирги Ўзбекистон худудларига ҳам етиб келгач бу руҳ кучая бошлагани, турли уюшма ва ҳаракатлар иш бошлагани, шоирларнинг эса, айни шу уюшма ва фирқаларнинг ғоялари таъсирида ижод қила бошлагани кузатилади. “Ижтимоий турмуш” ҳамда “Туркистон мухторияти” ҳаракати, “Чиготой гурунги”, “Ёш хиваликлар”, “Ёш бухороликлар” сингари уюшмаларнинг ғоялари таъсирида Аваз Ўтар, Ҳамза, Чўлпон, Фитрат, С. Айний ижодлари халқ норозилигининг акс садосига айлана борди. Жадидларнинг асосий ғояси замонавий мактаблар очиш, уларда диний фанлар билан бирга дунёвий фанларни ўқитиш эди.

“Кўзингни оч, бу хўрликдан мактабга қоч.”

Тараққийпарвар жадидлар қанчалик ҳаракат қилишмасин, уч хонликка бўлинган, асосан диний илмларнигина ўргатишга ружу қўйилган замонда аниқ ва гуманитар фанларни ҳам ўргатадиган мактаблар очиш, муваффақиятга эришиш осон кечмаган. Амир ва хонлар асосан дин уломларининг фикрини ҳисобга олар, кўпчилик ҳолларда эса, юқорида ҳам айтганимиздай қадимчилар, (бугунгидаги каби анъанавий турмуш тарзинигина кўллаб қувватлайдиганлар) енгиб чиқарди. Лекин, давр илгариланган сари тараққийпарвар жадидларнинг кўли баланд кела бошлади. Шу фонда Аваз Ўтар, Ҳамза, Авлоний каби адибларнинг замонавий мактабларни тарғиб қилгувчи асарлари пайдо бўла бошлади.

Туркистонлик бу жадид шоирлар жамиятнинг орқага кетишини асосан халқнинг маърифатдан узоклигида деб билишарди. Аваз Ўтар, Ҳамза, Авлоний каби шоирлар замонавий мактаблар очиш, халқни маърифатли қилишни, тил ўрганишни тарғиб ва ташфиқ

ШЕЪРИЯТ БОНГ УРГАНДА...

(Давоми, боши 3-бетда)

Ўз она диёрини бамисоли «ёр каби севади» (Некрасов). Бутун меҳрини шунга бағишлайди. Бу шоирнинг биргина «инсонпарварлик ва ижтимоий интилишларга мойил» (Добролюбов) бўлишидангина эмас. Асримиз бошлари Туркистон тақдирида ғоят масъулиятли бўлган, унинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал қилинаётган пайт эди. Буни Авлоний даврнинг пешқадам зиёлиси, эҳтимолки, замонасининг илғор таълимотидан хабардор бўлган бир кишиси сифатида чуқур англари, қалбан ҳис этар эди»...

Тўғри, ҳозирда Ўзбекистонда номигагина бўлсада, мактаблар бор. Аммо улар маънавий етук одамларни тарбиялашга эмас, ошиши кийин утопик, ғояларни тиришиб тирмашиб асослашга интилиб ёзилган китоблардаги сунъий фикрларни болалар онгига сингдириш билан шуғулланади. Совет замонидан «совет кишиларининг бугунги авлоди коммунизмда яшайди» дейишганидек, Ўзбекистон келажаги буюклигидан лоф уришади. Ёш норасидаларга ҳукуматга садоқат руҳидаги шеърлар ёдлатилади. Мактаб болалари бутун дунёда халқ ичидан етишиб чиққан халқпарвар партиялар борлигини, Горбачев берган ошкоралик даврида «Бирлик» халқ ҳаракати, Эрк партияси тузилганини, агар улар фаолият кўрсатганида халқ ҳаёти ҳозиргидек, маҳзун ва тушқун бўлмаслигини билишмайди...

“Тилни тиймоқ яхшидур сўзонадан”

А. Авлоний ўзининг «Ёш савдогар тилиндан» шеърида «Онам—окча, тоғам—олтун; отам—чўнтакда червоним» деб билган типлардан бирини фожиа элади. Бу тип пулнинг қудратини яхши билади: «Ҳазил қилманг менинг бирлаң, бу пуллар менга аскардур. Бири—арслон, бири—қоплон, бириси мисли аждардур, ишорат бирла дунё айши қошимға мусаххардур» дея гердаяди. Бу тип ҳозирда Ўзбекистонда яшаб айшини суриб юрган, халқнинг зулм, ишсизлик остида эзилаётганини кўриб кўрмаганга олаётган ўнлаб, юзлаб бизнесменларга жуда ўхшаш. Бугунги кунда, Ўзбекистон ичида халқ манфаатини ўйлайдиган садогарлар, зиёлилар йўқ, деб бўлмайди, аммо улар орасида ўз бизнесини, ўз бола чақаларинигина ўйлаб, халқ манфаати йўлида қўлларини иссиқ сувдан совуқ сувга урмаётганлари оз эмас. XX аср бошларида Авлоний миллат манфаатини уйламай юрган шу хил тижоратчи зиёлиларни инсофга чақирган, уларни фаолиятпарвар одамга айлантиришни истаган эди. Худди шу истак унинг илҳомига қанот бағишлаб гоҳ юмористик, гоҳ сатирик шеърлар ижод этди. А. Авлонийнинг «Жамиятларга аралашмаган савдогар тилиндан» номли бошқа бир шеърида хонанишин бўлиб, ташки

(XX аср 1 чи чорагидаги шеърлар мисолида)

дунё ишларига аралашмай уйда ўтириб қолган савдогар-зиёлининг ички дунёсини очишга ҳаракат қилади:

Англамайман дард надур,
ҳасрат надур,

Билмагайман химмату ғайрат
надур.

Мажлис надур у жамият
надур,

Нутқ сўйлаб элга насихат
надур-

Тинч ўтирмақ яхши минг
афсонадан,

Тилни тиймоқ яхшидур
сўзонадан.

Ажабо, бу тип – бугунги: эл дарди ва ҳасратини англамайдиган, тилни тиймоқ яхши деб биладиган, ҳақиқатни айтмайдиган, халқ манфаатини ўйламайдиган, сармоёси бўлсада, уни юрт манфаати йўлида ишлатишни ўйламайдиган, тинч ўтиришни касб қилиб олган савдогар зиёлиларга нақадар ўхшаш. Тарғибот ва ташвиқот йўли билан элни ижтимоий фойдали ишларга йўллаши мумкин ва лозим бўлган зот маънавий дангасалик касалига йўлиққан. Шу туфайли дунёни сел олса тўпигига чиқмайди. Халқнинг аҳволи, дунёнинг қайси томонга кетаётгани билан, (ҳозирги қатор зиёлилар каби) ҳеч иши йўқ. Ўзбекининг бойлари бойликларини халқни маърифатли қилиш, миллатнинг маънавиятини ўстириш, курашаётганларни қўллаб қувватлаш йўлида эмас, бошқа ношаръий мақсадларда ишлатишни, амалдорларга пора тикиштиришни, уларга ялтоқлик қилишни хуш кўрадилар...

**“Йўқ жаҳон мулкида биздек,
ожизу бечора халқ...”**

Аваз Ўтар, XX аср бошларидаги халқнинг иқтисодий ва маънавий аҳволини шундай ифодалайди:

Йўқ жаҳон мулкида биздек, ожизу
бечора халқ,

Зулм тиғи бирла бўлди, бағри юз
минг пора халқ,

Бир неча авбошлар бундоғ
хукмронлиғи айласа,

Қолмагай, оре на янглиғ, меҳнату
озора халқ...

Бу мисралар ўша XX аср бошларида яшаб ўтган халқ ҳақида эмас, бугунги кунда мамлакат ичкарасида ҳақсиз, ҳуқуқсиз яшаётган, “бир неча авбошлар хукмронлиғи” туфайли мамлакат ташқарисида ҳам “меҳнату озорга” қолган халқ ҳақида битилганга ўхшайди.

Ажабо, орадан юз йил ўтибдики, ҳалиям ўзбекининг асосий қисми хору зорликда умр кечиряпти.

Бу авбошларнинггина эмас, Сизу бизнинг: халқ учун жон куйдирмаётган тижоратчилар, зиёлилар, адиблар, журналистларнинг ҳам айбидир. Миллатнинг маънавий раҳномоси бўлиши лозим бўлган адибларининг ижодларини ўқиб, бу гапда жон борлигига ишониб бормоқдамиз. Тўғри, мамлакат ичидаги бадиий зиёлилар орасида Одил Ёкубов (ҳозирда марҳум), Учқун Назаров, Собит Мадалиев каби ҳақиқатнинг кўзига тик қараб, журналистларга интервью беришдан хайиқмайдиганлар, Гулчеҳра Нуриллаева, Дадахон Ҳасан, Карим Баҳриев каби ижоди билан ҳам курашаётганлар бор. Аммо икки уч минг бадиий зиёли журналистлар орасида бармоқ билан санарли кишиларнинггина шу хил фаолият юритиши ўзбек жамияти учун уятли ҳолдир. Озарбайжон, Қозоғистон, Россия мамлакатларида яшаб ижод қилаётган адиблар фаолиятига ўзбек зиёлилари фаолиятини солиштирсангиз, уятли ҳолга гувоҳ бўласиз... Юқорида айтилган уч мамлакатда демократик қарашлар илгариланган, халқ ичида фуқаролик жамиятлари тузилган, партия ва бошқа жамоат уюшмалари фаолият кўрсатмоқда. Бизнинг юртимизда эса бу хил ҳаракатлар расман бўлмасда, амалда таъқиқланган...

Қарангки, бир пайтлар Ҳамза ва Авлоний ўз ижодлари билан халқни уйғонишга, озодликни қўлга олишга чақираркан, миллатимизни бошқа миллатлар билан солиштирган ва кескин хулосавий мисралар битган экан:

Ҳама илму хунар асбобини
олмоқни истарса,

Чафон, чалма, риё сотмоқға хўп
тужжор — биз, миллат.

Тафаккур соясида ўзгалар
шаҳду шакар ерса,

Турурмиз бакрайиб ҳар гўшада
бекор — биз миллат.

(Авлоний. «Биз миллат»),

Ўзгалар миллатичун моли жони-
ла қурбон,

Фикру дониш йўлида бағри
жигари бирён,

Бору йўқни қилурлар илм йўлига
эҳсон,

Ажаб бизнинг, Туркистон, доим
ер билан яксон.

(Ҳамза. «Миллий ашулалар»)

Кўрамизки, ҳар икки шоир лирик қаҳрамонининг фикр-ўйи ўша пайтда ҳали ривожланишининг юксак чўққилари ҳақида ўйламаётган кишиларни қандай йўл билан бўлмасин уйғотиш, илмухунар ўргатиш, онгини ўстиришни тарғиб этишга йўналтирилган. Ҳукумат маъмурларининг халқни ўйламаганини қўйиб турайлик, минглаб ўзбек зиёлиларининг бошқа халқлардан ибрат олмани,

халқимизни маърифатли қилиш, уларнинг сиёсий онгини ўстириш ва сиёсий обрўсини кўтариш йўлида бирон иш қилмаётгани ачинарлидир. Бу шеърдагина эмас, «Эй мусулмонон диёр», «Гапур», «Мактабдин» (Ҳамза), «Туркистон туфроғина хитоб», «Мактаб», «Ўз турмушимиздан» (Авлоний) сингари шеърларда ҳам шу хил ғоявий яқинлик бор.

Дарвоқе, ижтимоий фаол инсонларнинг кўпайиб, шоирлар айтмоқчи, оломоннинг халққа айланиши аҳолининг ўзигагина боғлиқ эмас. Шоир ва адиблар, сиёсий хушёр зиёлиларнинг етишиб чиқиши ва мардонавор ҳаракатлар қилиши талаб этилади. Аваз Ўтар шулардан бири сифатида майдонга чиққан. Аваз Ўтарнинг 1917 йил феврал инқилоби таъсирида ёзилган «Сиёсат...» деб бошланган газалида худди шу хил майдонга отилиш, кишиларни яхши ҳаёт учун курашга чорлаш оҳанглари мавжуд. Шеърнинг: «Сиёсат маҳв ўлди (яъни хонлик тузуми йиқилди), яшасин оламда хуррият, Бари эл иттифоқ айлаб жаҳонни айласун жаннат», деб бошланган газалининг илк мисралариданок Аваз Ўтарнинг халқпарваргина эмас, сиёсатни ҳам чуқур тушунадиган шоир эканлиги сезилади. Замон воқеаларидан таъсирланган, маълум сиёсий дунёқарашга ва юксак поэтик тафаккурга эга бўлган шоир Аваз Ўтардай шоирдангина шу хил инқилобий фикрлар чиқиши табиий ҳол эди.

Ижтимоий-сиёсий шароит, халқ учун куйинадиган одамларнинг кўпайиши учун фан ва маданият ривожини билан биргалликда, халқ ичидан етишиб чиққан партия ва ҳаракатларга эҳтиёж сезилади. “Ватанпарвар, фидоий фирқалар то бўлмайин пайдо, не мумкин топмоғи тоза танига тоза жон миллат”, дейди Аваз Ўтар. Бундай партия ва ҳаракатларнинг пайдо бўлиши учун эса, ижтимоий, сиёсий шароит бўлиши лозим. Асрлар давомида турли кўзғолонлар, норозилик ҳаракатлари юз берган бўлсада, қадим Турон худудиди (ўрис коммунистлари Туркистонда ҳам тузган нисбатан сунъий болшевиклар партиясини ҳисобга олмаганда) уюшган, маълум дастур ва низомига эга партиялар ўтган асрнинг 80 йилларигача тузилмаган... Аммо хону беклар, худди ҳозирги амалдорлар каби халқ онгининг юксалишини исташмас, онгсиз аҳоли қанча кўп бўлса, бошқариш шунча осон бўлади, деган принципга асосан фаолият юритишарди...

Ажабо, орадан юз йил ўтган бўлса ҳам, халқ ўша, ўша! Бошқарувчилар ҳам айнан ўхшаш. Шуларни ўйларканмиз, Ҳамзанинг “Ажаб, бизнинг Туркистон, доим ер билан яксон” каби сўзлари эсимизга келади.

(Давоми келгуси сонларда)

Иброҳим ТУРКИЙ

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

Эй, улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Эй, Чингизхонлар, Темурлар, Ўғизлар оилаларининг шонли болалари! Қани учқўлигинг, юксак ўринларинг? Қуллик чуқурликларига недан тушдинг?

(Фитрат. «Юрт қайғуси», «Хуррият», 1917 йил, 28 июль.)

* * *

Кўзимни очдилар, лек кўр қилдилар,
Қаддимни ростлатмай, букур қилдилар.

Дедилар озодсан, эркинг қўлингда,
Учрамас ҳеч тўсиқ энди йўлингда.

Диним ва мазҳабим узок отилди,
Эътиқод, иймоним пулга сотилди.

Макка, Мадинамни бир сўйламадим,
Мадраса, устозим ҳеч ўйламадим.

Унут меросларим бағрим тиглади,
Тилимни йўқотдим, сўзим йиғлади.

Чикмадим чизикдан, эдим мен «тўғри»,
Аслида бир қаллоб, муттаҳам ўғри.

Фуқаролар жанги кетди бошланиб,
Яна юрт кўзлари қолди ёшланиб.

Ака укасининг кўксидан отди,
Лўттибоз мардини майдонда сотди.

Аро йўлда кимлар қолди адашиб,
Ўзни нобуд қилди, билмасдан шошиб.

Кўп ўтмай тикланди колхоз тузуми,
Бошланди азалий турмуш зуғуми.

Халқини деганлар бўлди «миллатчи»,
Динин эъзозлаган эди «иллатчи».

Пантуркист номланди Ватан деганлар,
Пролетар эмишлар кўп сўз билганлар.

Ғалвирдан эланиб сараланган жим,
Фисқу-фасод ила яраланган жим.

«Учлик» ҳеч кимсага қилмади шафқат,
Тизди юракларга дардларни қат-қат.

Юртидан қувилди неча ўн миллат,
Қолмади жафосиз бирон-бир элат.

Қисқаси, сиёсат зулмин қўймади,
Одам ютиб, ҳатто ер ҳам тўймади.

Саодат ПЎЛКАН

УНИТҒОНЛАР

Ором учун Ҳақдин кечуб,
“Ху”ла бирлашмоқдин қочуб,
Сўнг кетарда андин чўчуб,
Саломини унитғонлар,
Каломини унитғонлар.

Бўлур зарға девона хўп,
Нафси тоғдин бисёра кўп,
Сўнгги дамда ололмай чўп,
Бозорини унитғонлар,
Мозорини унитғонлар.

Бир-бировин ўйиб кўзин,
Рангу рўйин этиб сўлғин,
Сўнгги онда излар таскин,
Аъмолини унитғонлар,
Камолини унитғонлар.

Ҳақ йўлинда ўтди Кубро,
Анга йўлдош эди Мавло,
Вале қолур бўлиб гумрох
Ҳақ йўлини унитғонлар,
Тоқ йўлини унитғонлар.

Ўтди бундин Темур, Доро
Фақиру ночор укробо,
Кетар чоғда истар Худо
Қазосини унитғонлар,
Жазосини унитғонлар.

Узлат аро тушиб маҳзун,
Қалбинг покла аё Мискин,
Излар Ҳақдин дилга таскин,
Маъвосини унитғонлар,
Мавлосини унитғонлар.

ДУНЁ

Бу дунё бир аросатлиғ,
Мани дилим ром этолмас.
Солиб бошға кўп балолиғ,
Валеъ мақсада элтолмас.

Кимҳобдин хийло кийғузиб,
Нафс чаманиға юрғузиб.
Бу дила зардоб тўлғузув,
Лек малҳаму жон ўлолмас.

Ишқида бўлурсан сархуш,
Кунинг ўтур ғафлатда хуш.
Бу қандай маломат бир туш,
Уёнмоқ керак, лек бўлмас.

Адашиб дашти сар-сори,
Жонингдин ўтиб озори,
Туганмас ғалва бозори,
Кетарга лек чора бўлмас.

ЧОРАСИЗ ОДАМ

(Юсуф Расулга)

Ёлғизоёқ кунлар, ёлғизоёқ тун,
Танҳоликка маҳкум этилган бу жон.
Паноҳ излар бир рух, истар бир илинж,
Топарми, топмасми кезар саргардон.

Некқадам кунларни санайди бир-бир,
На айтар сўзи бор, на дилга малҳам,
Эгасиз овулдай қисмати чўлдир,
Чораси йўқ унинг, бечора одам.

Вужуд чиркинидан холилик истар,
Юраги сипқорар ғам гирдобини.
Самодан илохий муждалар кутар,
Дилига жой айлаб, Ҳақ каломини.

* * *

Султон ЙЎЛДОШ

БИРОДАРИМГА КЕСАТИҚ

Ҳақ гапни гапирсанг, бадном қилсалар,
Ҳалолнинг – харом деб бағринг тилсалар,
Йўқ ердан бўйнингга тухмат илсалар,
Сен фақат индама, сукут сақлагин.

Ишлаган ишингга ҳақ олмасанг ҳам,
Ўзинг оч-у лекин еювчилар жам,
Бўлган пайтда билки, булар сенга кам,
Қутиб тур, индама, сукут сақлагин.

Бормикин рост айтиб барака топган,
Бор бўлса – бор чиқар, омади чопган,
Лекин эртасига уни ит қопган,
Шул сабаб индама, сукут сақлагин.

Ушбу кун бу гаплар аччиқ ҳақиқат,
Буни инкор этмас тарих, тариқат,
Мазлумга – Аллоҳ Ёр дейди шариат,
Унгача индама, сукут сақлагин.

БЕҲАБАР

Тил учида “бисмиллоҳ”, Ислому сендан беҳабар,
Топганинг фақат томоқ, иймон сендан беҳабар.

Бошда ўйлар – шайтоний, сен турибсан “мўлтони”
Муслимман деб чопасан, муслим сендан беҳабар.


Самода чакмоқ бўлиб, яшиндай ёқмоқ бўлиб,
Дарё мисол тошасан, осмон сендан беҳабар.

Баҳоинг қўйиб қиммат, ҳар ишинг қилдинг миннат,
Жаннат, - дебон шошасан. Райён сендан беҳабар.

Қилиб худойи – тилак, чиндан шимариб биллак,
Харом-хариш топасан, меҳмон сендан беҳабар.

Саждага йўқдир ният. Сура йўқ, йўқдир оят,
– Намоз, - деса қочасан. Куръон сендан беҳабар.

Охират ғамин едик, Жумага борай дедик,
Бунда ҳам важ топасан, Султон сендан беҳабар.





Раҳимтой БЕГАЛИЕВ:

“Тарихни ўргансанг келажак порлок” деган туркий-ўзбек шоири Фафур Гулом. Тарих ўз номи билан тарих. Уни ўрганишнинг ўзига хос машаққатлари, нозик жиҳатлари бор. Биз қозок ва ўзбек зиёлилари ўтмишни биргаликда, туркийлар тарихи сифатида ўрганишимиз керак. Шу маънода, бир зиёли сифатида мен ҳам ўз ҳиссамни қўшиш илинжида қўлимга қалам олдим...

Хитойлар ўзларига қўшни бўлган Ашин қабиласини Ту-кю деб атаганлар. Уни Ашина ҳам дейишади. П.Пельо бу сўзни “Турк-ют” (яъни туркийлар) деб изоҳлаган. Турк атамаси кучли, мустақкам демакдир. Ашина эса бўри дегани. Туркийча бўри, мўғулча шоно, чино дейилади, -а қўшимчаси хитойча хурмат маъносини билдиради. Бундан хулоса чиқадики, Ашина-ҳимматли, мард бўри деган маънодадир.

Қадимги Хитой муаллифлари туркий халқлар ва бўри сўзини маънодош деб қараганлар. Ҳатто Сяньби маликаси ўз эри Шаболио хонни “бўри феъл-атвориға эға бўлган хон” деб атаган. Бўри ҳақидаги тасаввур Ашин уруғининг ҳамма томонига кириб борган. Ашин қабиласи байроғида бўри калласининг олтин тасвири туширилган. Бай-роқдаги бўри калласи тасвири турк-мўғул халқларининг ҳаммасига кўчган Ашин қабиласи бирор жойга келиб ўрнашгандан кейин, ўз худудини чегаралаб олган ва дарвоза ўрнатган. Дарвозанинг кираверишига бўри калласи тасвири туширилган байроқни илиб қуйшган. Туркий халқлар ва туркийлашган мўғилларнинг фақат урф-одатларидагина эмас, тилларида ҳам умумийлик бор. Улар қадимги даврларда Олтойлар деб юритилган. Тиллари бир оилага мансуб бўлиб, Олтойбобо тили, деб номланади. Манчжур тили ҳам шу оилага тегишли. Улар товуш таркиби, грамматик қурилиши, сўз бойлиги жиҳатидан бир-бирига жуда яқин эди. Келиб чиқиши жиҳатидан бир бўлган ва бир худудда яшаган халқларнинг тилида умумийлик бўлиши табиий. Қариндошлик аънаналари узоқ давом этган. Кейинчалик улар мустақил қабилаларга ажралган. Тиллари ҳам ўзича ривожланган. Турк сўзи 1500 йил давомида маъносини ўзгартирган. V асрда Ашин атрофига тўпланган ўрда аҳолиси турк, деб юритилган. Ҳаммаси туркий тилда гаплашганлар. Ана шу тилда гаплашган бошқа қўшни қабилаларга турк номи қўлланилмаган. Ўша даврларда Марказий Осиёга саёҳат қилган араб тарихчилари асарларида шундай фарқлаш бор. Улар турк номи остида қайси тилда гапиришдан қатъий назар, Марказий Осиёда яшовчи ҳамма қабилаларни назарда туганлар. Рашидиддин турк ва мўғулларни тилига қараб

Раҳимтой Бегалиевнинг ҳаёт ва ижод йўли кўпларниқига ўхшамайди. У Жанубий Қозоғистоннинг Қорабулоқ қишлоғида туғилган. ТошДУ (ҳозирги Миллий университет)нинг филология факультетига ўқиган ва маълум бир муддат бу ерда ишлаган. Кейинчалик ўз қишлоғига қайтиб келиб мактабларда, университетларда сабоқ берган, газеталар билан ҳамкорлик қилган. Раҳимтой аканинг умр йўлдоши Гулнора Бегалиева ҳам ижодкор шоира. Бугунги кунда Раҳимтой Бегалиев 70 Гулнора билан бига умргузаронлик қилаётганига 35 йил тўлди. Р. Бегалиев тилшунос олим. Вақтли матбуотда ва турли тўпламларда бу соҳага оид мақоллари чиққан, китоблари чоп этилган. Айни замонда тарих илмига ҳам астойдил қизиқади, тарихимизни ёритишга ўз ҳиссасини қўшгиси келади. Гулнора Бегалиева эса – шоира бўлиш билан бирга “Шуъла” адабий уюшмасининг раҳбари, кўплаб шеърый асарлар муаллифи. Биз Раҳимтой Бегалиевнинг ижодий маҳсулотларидан намуна чоп этар эканмиз бу оилага қут-барака, бекаму кўстлик, ўзларига ва бола-чақаларига узоқ умр, туганмас бахт-саодат тилаймиз.

“Туркистон Тонги” таҳририяти

Ўзувлар тарихига бир назар...

фарқлаган. Чунки XIII асрда мўғул тили алоҳида тил сифатида ажралиб чиқиб, туркий ёзув асосида ўз ёзувини шакллантирган эди.

Туркий билан мўғул халқларининг муносабати, тили масаласида баъзи ноаниқ фикрлар мавжуд. Жумладан, туркийлар тарихининг йирик билимдони ва тадқиқотчиси Л. Н. Гумилев шундай дейди: “Ашин номи остида бирлашган 500 оила”нинг келиб чиқиши қай тарзда бўлмасин улар ўзаро мўғулча гаплашганлар. Улар катта ҳарбий қудратга эришиб, Хитойдан Олтойга қўчиб ўтганга қадар бу тил давом этган. Бирок улар юз йил давомида туркий қабилаларга келганларидан кейин оғзаки нутқини тез алмашувига имкон бўлиши керак эди. Қолаверса мўғулларнинг “500 оиласи” туркийлар орасида денгиздан томчи эди. Шундай тахмин қилиш мумкинки, VI асрнинг ўрталарида Ашина уруғи аъзолари ва уларнинг атрофидагилар бутунлай туркийлашган. Мўғул тилининг излари фақат ўзлари билан олиб келган унвонларда сақланган”, дейди. Кўриниб турибдики, Ашиннинг “500 оиласи” туркий эмас, деб талқин қилинмоқда. Тўғри, унвонларнинг кўпчилиги мўғулча ёки хитойча эканлигини инкор қилиб бўлмайди. Аммо қадимги туркий тилдаги унвонлар асосида улар фақат мўғулча гаплашганлар, деб хулоса чиқариб бўлмайди. Зотан, ҳозирги ўзбек тилида рус-интерационал атамалар хусусан, унвонлар, ёки араб-форс сўзлари кўп бўлгани учун биз славян ёки араб, форс халқига мансубмиз, деб айта олмаймиз. “500 оилани мўғуллар деб қараш асоссиз. Бу ҳақда ҳеч қандай далилу исбот йўқ. Олтой бобо тили туркий-мўғул ва тунгуз-манчжур тилларига бўлингандан кейин, мўғул қабилалари узоқ вақт туркий тилда алоқа қилганлар. Шунинг учун туркийлар мўғулча гаплашганлар, дегандан кўра Олтой бобо тилида гаплашганлар, деб айтиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида айтганимиздек, туркий-тунгуз манчжур ва мўғул тилларида кўп яқинлик ва умумийликлар бор. Бу тилларни киёсий-тарихий усулда ўрганиш натижасида уларнинг энг қадимги тараққиёт даври аниқланган.

Туркий қабилаларда, эрамиздан аввалги асрларда сўғд, ўрхун-энасой, куфий, уйғур, моний ёзувлар икки йўл билан — савдо-сотик муносабатлари ёки динни тарғиб қилиш мақсадида кириб келган. Лекин дин туркийлар орасида мавқени тиклай олмагани каби ёзув ҳам ўз ўрнини олмаган.

Эски уйғур ёзувида девон ишлари битилди. Шу билан бирга, туркий ва таржима асарлари кўчирилди. Уйғур ёзуви катта худуддаги халқларга маълум эди. 960 йилда Қорахонийлар давлатида Ислом расман қабул қилинди ва

халққа сингишиб кетган будда динини сиқиб чиқара бошлади. Араб ёзуви қабул қилингандан кейин эски уйғур ёзуви барҳам топиб қолмади, балки Ҳиротгача бўлган худудда кенг қўлланаверди. Уйғурлар туркий халқларнинг бир қисми бўлиб, қадимги турк маданияти, хусусан, ёзув маданияти ривожига маълум роль ўйнади. Туркий-рун ёзуви дастлаб барча қабилалар, жумладан, уйғурларга ҳам тегишли эди.

Қадимги турк даврида уйғурлар 9 ўғузлар деб аталган “туркийлар ва уйғурлар” деган номни кейингисидек тушуниш керак. Қадимги турк ҳоконлиги даврида тахтда Ашин уруғи ўтиргани учун ҳоконлик шуларнинг номи билан аталган.

Маълумки, туркийларнинг қаттиққўл ҳокони Билга ҳокон заҳарлаб ўлдирилди. Унинг ўрнига ўғли Ичан тахтга ўтирди. Бирок Ичан хон қўл остида яшаётган қабилалар ундан рози эмасди. Айни пайтда ўзаро урушлар авж олди. Эл-юртда тинчлик бузилди. Иқтисодий бузгунчиликлар келиб чиқди. Туркийлар қўли остида яшаган вақтда ҳам уйғурлар ўтроқ турмушга қўчиб, экин экар, савдо-сотик билан машғул эдилар. Шу сабабли иқтисодий-ижтимоий томондан ҳам бошқа қабилаларга қараганда кучлироқ мавқега эга эдилар.

Уйғурлар милодий III — IV асрларда кўзга кўринган қабилла сифатида яшаганлар. Уларнинг пойтахти ҳам турк ҳоконлигининг маркази Қорабаласағун шаҳри эди. Уйғур сўзининг маъноси уюшмоқ, бирлашмоқ демакдир. Уйғурларнинг яратган ёзуви ҳам “туркий ёзув” номи билан юритилган. Маҳмуд Қошғарий ҳам эски уйғур ёзувини туркий ёзув деб атаган эди.

Уйғур алифбоси айни шу даврда шухрат қозонди. У ўз замонидаги бутун маданият дунёсида — Хитойда, Рум, Ислом мамлакатларида қўлланди. Ҳатто Бўғраҳон даврида ҳам уйғур ёзувини араб ёзуви бутунлай сиқиб чиқара олмади. Шарқий Туркистон шаҳарларида зарб қилинган тангаларда уйғур ёзуви учраши бунинг далилидир.

Туркий ёзувларининг кейинги тақдири Чингизийлар империяси билан боғлиқ. Мўғуллар уйғур ёзувини ва маданиятини Қорахонийлар давлатидан ўзлаштириб олди. Сўнг Чингизхоннинг буйруғига биноан уйғур ёзуви аслзодалар ва давлат бошлиқларининг болаларига мажбурий ўргатилди. Бу ёзувда мўғулларнинг қонунлари тартиб берилган “Буюк Ясси” ва “Чингизхоннинг олтин китоби” кўчирилди.

“Чингизхоннинг олтин китоби”да мўғул қабилаларнинг расмий воқеалари баён қилинган. Ҳар икки китоб хоннинг хазинасида сақланган. Мўғуллар давлатида уйғур ёзуви узоқ вақтгача “хонлик ёзуви” бўлиб қолди. У асосан дипломатик алоқаларда қўлланди. Чингизхоннинг даврида уйғур ёзуви ва тилига бунчалик аҳамият берилишига қуйидаги сабаблар бўлиши мумкин. Биринчидан, уйғур ёзуви кенг худудда тарқалган, ундан алоқа

(Давоми 5-бетда)

Ёзувлар тарихига бир назар...

(Давоми, боши 4 бетда)

мақсадларида фойдаланиш нисбатан қулай бўлган. Иккинчидан, тарихий маълумотларга қараганда, Чингизхоннинг ўзи мўғул тилидан бошқа бирор тилни билмаган. Қола-верса, уларда ёзув ҳам бўлмаган. Ўтроқ халқни бошқариш учун ҳам маълумотли кишилар кераклигини Чингизхон тушуниб етди. У ана шу кишиларни мўғуллар орасидан топа олмаган эди. Шунинг учун ҳам Чингизхон ҳокимияти тугагунга қадар уйғурлар, форслар, хитойлар иш юритишган. Чингизхон туркийларнинг ёзувлари билан бирга, тилларини ҳам ўз давлатида расмий тил сифатида жорий қилди. Чингиз буйруқларини, ёрликларини уйғур ёзувида биттирди. Олтин Ўрда хонлигида уйғур ёзувидан кенг фойдаландилар. Мўғул ва туркий аскарларга, барча аҳолига Чиргизхон буйруқлари уйғур ёзувида ва туркий тилда етказилди. Мақсад — ҳар бир халқ ўз тилида буйруқ олсин ва уни қийинчиликсиз тушуниб етсин. Уйғур ёзувида ҳужжат битувчилар бахши ёки битикчи дейилган.

Туркийлашган ва кўпроқ Кўнғирот уруғига мансуб бўлган ҳақонларнинг хизматларидан яна бири шу бўлдики, улар Олтин Ўрдага уйғур ёзувини олиб келдилар. Оқибатда XIV аср охирига мансуб бўлган уйғур ёзувидаги Олтин Ўрда ёрликлари бизгача етиб келди. Бу даврда уйғур алифбосида Тўхтамышхоннинг номи ёзилган тангалар, яна уйғур ёзувида ва чиғатой тилидаги Тўхтамышхон ҳужжатлари бор. Бу ёрликлар муҳим ҳужжат бўлиши билан бирга, тарихий-сийсий ҳодисаларни тўғри баҳолашда муҳим

воситадир. Аммо араб ёзувида битилган ёрликлар ҳам баравар қўлланилган. Уйғур ҳоконлигида, Сибир ва Мўғулистонда XIII асргача бу ёзув ишлатилган. Юқорида ҳам айтганимиздек, уйғур ва араб ёзувлари баравар амал қилган пайтлар кўп бўлди. Уйғур хонларидан Моюн-Чурнинг мазорига (784 йилда) ўрнатилган тошнинг бир томонида уйғур ёзувининг битилгани бунинг исботидир. Хуллас, туркийлар ёзувининг ilk даври тарихи мана шулардан иборат.

Улар қуйидаги босқичларни босиб ўтган: Олтой даври (бу даврда туркий-мўғул, тунгус-манчжур тиллари бор эди).

Хун даври. Бу давр эраизгача V асрдан эраизнинг IV асри охиригача бўлган даврни қамраб олади. Шу пайтлар туркий-мўғул, тунгус-манчжур тиллари ажралиб чиқаётган эди. Туркий тиллар Хун даврида икки қисмга ажралган. Шарқий Хун ва Фарбий Хун.

Фарбий Хун тилларига булғор, авар, хазар, чуваш, бажанак, гагауз, Болқон ярим оролидаги аксарият тиллар, қумуқ, қораим, қозок, ўзбек, туркман, озорбайжон ва бошқа бир қатор туркий тиллар кирган. Шарқий Хун тилларига қадимги уйғур, қирғиз, тува, хакас, шор, ёқут, чулим, татар, олтой ва шарқдаги кўпгина қабила тиллари мансуб. Бу тиллар эраизнинг V асрларигача — қадимги турк давлати ташкил топиб, ёзув такомиллашгунга қадар бўлган туркийларнинг ота-боболари тилидир.

ХУДУДИМИЗ ТАРИХИДАН...

Бизнингча, тарихни ўрганишнинг уч йўли бор.

Биринчиси, халқ урф одатлари, эл орасида тарқалган афсоналарни ўрганиш;

Иккинчиси, шу урф одатлар ва афсоналар ҳақида ёзилган адабиётларни таҳлил қилиш;

Учинчиси, эски замондан бери сақланиб қолган шаҳар ва қишлоқлар, улардаги маданий бойликлар, эл бошқарган ҳоконлар томонидан зарб қилинган тангаларни, турли асори-атиқаларни ва тошларга ўйиб ёзилган ёзувларни ўрганиш...

Хуллас, мана шу каби маълумотлар орқали тарихни маълум даражада тиклашга эришилади. Ҳозирги даврда Марказий Осиёда тезкорлик билан ўрганилаётган манбалар анчагина. Масалан, Сополли тепа, Далварзин тепа (Япония олимлари ҳамкорлигида), Фаёз тепа, Султон Саодат мажмуаси, Кокилдор ота қабилар. Аммо Марказий Осиёнинг Авлиё ота, Болосогун худудлари (Марке шаҳри) Шарқий Туркистон (Қошғар, Урумчи, Ёрқент) ва ниҳоят Сайрам - Туркистон атрофидаги тарихда маълум ва машҳур маълумотлар ҳали-ҳануз ўз ечимини топмай келаётган. Юқоридаги маълумотлар туркий ўзбек ва туркий қозок олимлари А.Кекилбоев, Ў.Сулаймонов Б.Аҳмедов, Қозокбой Маҳмудов ва бошқалар томонидан ўрганилган. Аммо ҳали ўрганишга молик мавзулар оз эмас. Биргина Сайрам худудига қарангли “Хончук” (Хонжўжи) ер ости шаҳарининг текширилиши турк қавмининг ўтмишини ойдинлаштириб бериши мумкин.

Мен бу гапларни шунинг учун келтиряпманки, Хончук тепалиги 60 минг аҳолиси бўлган Қорабулоқ қишлоғининг Жануби, Алмати-Термиз шоҳ йўлининг биқинида жойлашган. Шўролар даврида бу тепалик бир қазилиб, хумдон, танга ва бошқа динлар аломати бўлмиш шамчирок, будда ҳайкалчалари топилган. Аммо бу текширишлар номалум сабабларга кўра тўхтаб қолган. Мустақиллик йиллари тарихшунос олим М.Мирхалдоров сай-ҳаракатлари билан ўлка музейи ташкил қилиниб, жуда бой материаллар йиғилди. Бу материалларнинг ҳар бири олам-олам сирларни ўзида мужассамлаштирган. Қорабулоқ худуди Сайрам туманининг таркибий қисми бўлишидан қатъи назар, биринчи навбатда шевадаги тил унсурлари билан фарқ ҳам қилади., аммо халқ урф-одатлари деярли бир хил. Нега деган савол ўз-ўзидан пайдо бўлади. Биринчидан, Қорабулоқ аҳолисининг аксарият қисми ўғиз, кипчоқ, қангли қарлук туркий қавмлар кинининг аралашувидан пайдо бўлган. 1921 йилда академик К.К.Юдахин Қорабулоқ ва Манкент қишлоқларида дарс берган. “Қозок тили грамматикаси”нинг биринчи муаллифи Ғ.Мусабоев ўз асарларида бу ҳақда тўлқинланиб гапирган.

Сайрам худуди аҳолиси ўзининг маданияти, урф одатларини сақлаган. Қолаверса, Ғарбдан-Шарққача, Жанубдан-Шимолгача кўчиб юрвчи қарвонлар, сайёҳлар, олимлар, саркардалар табиий-географик қулай жойлашган Исфижоб қалъасига тўхтаб ўтишган ёки яшаб қолишган. Шу туфайли бошқа халқларнинг урф одатлари таъсири ҳам бор.

Қорабулоқ қишлоғи Угам дарёсининг, Туркбоши (тулкибоши) тоғларининг қуйи қисми, булоқ сувлари қўшилиши ҳисобига кенгайиб-кўпайиб оқиб келадиган Орис дарёси ва Қорамурт тоғларидан келадиган Оқсув дарёси ўртасига жойлашган. Қорабулоқда жой номлари, ономастика унсурлари кўп учрайди. Мана шуларнинг сир-асрорлари, ер остида қолиб кетган “Хончук” каби шаҳарларда сақланиб қолган. Орис дарёсининг бўйида Хонжўрғон деган жой бор. У ер ҳам бироз қавландида тўхтаб қолди. Бу ер Абулхайрхоннинг дам олиш қароргоҳи бўлиб, кейинчалик у Бухородан авлодларини шу ерга келтирган. Дарёнинг юқорида Инқилоб бўлими шимолида жойлашган “Қозок мазор”да минглаб қозок ўзбек ва араб донишмандлари ва лашкарларининг ҳоклари бор. Мазордан топилган узунлиги 20х25 см. қалинлиги 10 см. келадиган тошга “Муҳаммад Гадрозил ўғли. 1127 й.” деб арабча наставка хати билан ёзилган ва орқа тарафида 100 дан ортиқ исмлар рўйхати берилган.

Мамат (Мағат) қишлоғи тепалик ёнидаги “Авлиё” мақбараси сирлигича қолмоқда. Хуллас, юқорида айтганимиздек, тарих ўз ўрни билан бир илм йўли. Уни ойдинлаштириш туркий халқлар ўзлигини англашга ёрдам беради.

ҚОЗОҚ ТИЛИНИ ЎРГАНАМИЗ

Газетамизда пешма пеш берилиши мўлжалланаётган қуйидаги луғатларнинг муаллифи Долимжон Сайфуллаевдир. Долимжон ТоШДУ (бугунги Миллий университет)нинг журналистика бўлимини ва Чимкентдаги Қозок ўзбек университети (ҳозирги Халқлар дўстлиги университети)нинг филология факультетини биртирган. Ижодкор олим халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқни қуйловчи шеърлари, мақолалари билан танилган. Шу билан бирга узоқ йиллардан бери луғатчилик билан шуғулланиб келади. Натижада

“Ўзбекше қазақша сөздік, (Ўзбекча – қозокча луғат)” китоби дунё юзини кўрди. Биз ўзбек тилида сўзловчи туркийларимизнинг умуман барча газетхонларнинг қозок тилини янада пухта ўрганишига ёрдам бериш мақсадида ушбу сондан бошлаб Долимжон Сайфуллаевнинг китобидан парчалар бера бошладик. Зеро халқларимиз бир бирининг тилини қанчалик яхши билса, унинг дилини-қўнглини янада яхшироқ англайди. Бир бирига муҳаббати ортади. Аллоҳ ишимизни бардавом қилсин!

АБАД мэнгилік

АБАДИЙ мэнгі; **абадий ном** мэнгі өшпес есім.

АБАДИЙЛАШТИРМОҚ есте мэнгі сақтау; **номини абадийлаштирмоқ** есімін беру

АБАДИЙЛИК мэнгилік, есте мэнгі сақтау.

АБАДИЯТ *кит.* мэнгилік

АБАЖУР абажур, лампаның қақағы

АБАЙШУНОС абайтанушы; **абайшунос олимлар** абайтанушы ғалымдар; **абайшунослик** абайтану.

АБАС *кит.* пайдасыз

АБГОР 1 әбігер, әбігершілік; **абгор бўлмоқ** абыржу, сасу 2 әбігер, тынышсыз, абыржығыш, беймаза.

АБГОРЛИК әбігершілік, абыржушылық

АБЖАД санды әріптермен белгілеп, сөзді цифрмен жазу үшін пайдаланылған алфавит жүйесі.

АБЖИР епті, тәсілқой, шебер, тез, шапшаң.

АБЖИРЛИК ептілік, тәсілқойлық, шапшаңдық; **абжирлик кўрсатмоқ** шапшаңдық таныту

АБЗАЛ әбзел; **абзалсөз** әбзелші.

АБЗАЦ 1. абзац, азат жол 2. екі абзац арасындағы мәтін

АБИРА шөбере ұл, шөбере қыз

АБИТУРИЕНТ талапкер, жоғарғы және арнаулы оқу орнына түсуші.

АБЛАХ әбілет, жауыз, сұмпайы, оңбаған.

АБЛАХЛАРЧА жауыздықпен; **аблахлик** оңбағандық, жауыздық, сұмпайылық; **аблаҳона** жауыздықпен

АБОНЕМЕНТ абонемент, бір нәрсеге қызмет

етіп, пайдалануға құқық беретін құжат

АБОНЕНТ абонент, абонементті пайдаланушы адам

АБОРИГЕН абориген, байырғы тұрғын

АБР *кит.* бұлт

АБСОЛЮТ абсолюттік, мүлде, тіпті

АБСТРАКТ абстракт, дерексіз

АБСТРАКТЛАШТИРМОҚ абстрактілеу, абстрактілендіру

АБХАЗ абхаз (ұлт)

АВАЙЛАМОҚ абайлау, сақтау, аяу

АВАНС аванс, болашақ төлем есебінен алдын ала берілетін ақша не зат

АВАНТЮРА авантюра, соқыр тәуекел; **авантюрачи** авантюрашы, тәуекелге барушы

АВАРИЯ авария, апат, қирау

АВАХТА *кит.* абақты, қамау, түрме.

АВБОШ *кит.* бұзақы, бұзық, сотқар.

АВБОШЛИК *кит.* бұзақылық, бұзықтық, сотқарлық.

АВВАЛ алдымен, әуелі, басы

АВВАЛАН = **аввал**

АВВАЛГИ алдағы, бұрынғы, болып өткен

АВВАЛГИДЕК бұрынғыша, бұрынғысынша, әуелдегіше, баяғыдай.

АВВАЛО алдымен, әуелі

АВГУСТ тамыз (ай)

АВЖ жоғары шек, кемел; **авжга чикмоқ** жоғары шекке көтерілу

АВЖЛАНМОҚ жоғары шекке көтерілу

Азиза Халилова

**Инсон янглиш туғилмайди,
у адашиб ҳаёт кечиради, холос.**

- Дилля, анув кўзлари коп-кора қизни қара, сал ғалатирокми? - Ким? Ҳа, анувми, худди чизиболганга ўхшайди-я? - Ҳа, кофточкасини қара, чиройли ранг экан. - Сочиям зўр кесилган экан. - Ээ, тўхта, у ўзи қиз болами, ё ўғил бола?!

Қизларнинг суҳбатига табиий инстинктив билан қизиқиб, бу таърифлар соҳиб(ас)ини кўз қирим билан излай бошладим. Топдим ҳам. Алҳазар, бекатда эгнига пушти кўйлак, жинси шим кийиб олган, сочлари коп-кора ялтираб турган, ковоғига қора қалам суртиб, қошларини териб олган бу ИНСОНга мен ҳам бир муддат қандай нисбат беришни билмай қолдим.

Миям яшин тезлигида ишлаб кетди: Эркак бўлмаса керак, ҳеч қаери ўхшамаяпти-ку! Лекин, у аёл киши ҳам эмас, буни нафақат маълум жиҳатларидан, балки қандайдир ички сезгим билан ҳис қиляпман. Журналистлик касалим тутиб кетди. Демак, буни аниқлаштириш керак, ҳозирок. Қўлимда аёлларимизга машҳур бўлган «Ogilvy» (косметика ишлаб чиқарувчи компания) журнали бор эди. Ўзимни, ўзбекча айтганда, аттор қилиб кўрсатиб, олдига бордим. Аввалига русча саломлашиб, унга «дунёдаги энг сара косметик маҳсулотлар»ни таклиф қилдим. У эса:

- Ну-ка, кўрсатинг-чи, -деб қолди!!! Овозидан қайси жинсданлигини англаб ололмасам-да, унинг ўзбеклигини тушуниб, лол бўлдим.

- Ўзбекмисиз? - Конечно.

У журнални варақлай бошлади ва шубҳаларимни тасдиқлаб, эркаклар учун ажратилган саҳифалардан бирида тўхтади.

- Знаете, манга шу атир ёқади, яқинда тугаб қолувди, как раз кидириб юрувдим...

Бу сўзлар ноз-фироқ қилаётган аёл кишининг сўзларидек жаранглаб ўтди қулоғим остида.

- Кечирасиз, кимга олмоқчисиз?- дедим янада аниқлик киритиш мақсадида.

- Ўзимга, кимга бўларди?

- Сиз...(шошилинич) эркакмисиз? Бу савол мен ўйнаётган ролимнинг хаёлий сценарийсида ҳам йўқ эди, аммо хато қилиб кўйишдан кўрқдим.

- (кулиб юборди) Ну-да. Нима кўрмисиз? .

Бу воқеага кўп бўлгани йўқ, яна қахрамонимни кунора бекатда учратишимга нима дейсиз? Негадир, бу каби «йигит»ларни ҳеч қачон ўзбек

бўлиши мумкин ёки ўзбеклар орасида ҳам шунақалар бор, деб ўйламагандим. «Ҳаммаси чет элда, бизда бунақалар йўқ, бўлмайди ҳам», дердим. Мана ўзим ҳам йўлиқиб турибман. Ва ҳар кўрганимда ич-ичдан ғазабим қайнайди. Бу қандай бедодлик? Ким бу ёки ниманинг оқибати бу? Қизиқишлари, кийиниши, ўзини тутишигача «заифа»лашиб кетган бу ИНСОН ўзининг шу ҳолатини «биласизми, ман бошқалардан ажралиб туришни истайман. Итс май стайл (It's my style - бу менинг услубим)» деб изоҳлаши ва бундан фахрланишини қайси ақл билан тушунтириш мумкин экан-а? Албатта, ҳар ким ўз билгича, ўз орзу-интилишлари билан яшаш ҳуқуқига эга, бу қонун билан тасдиқлаб қўйилган. Бунга эътирозим йўқ. Аммо мен шу йигитга қараб туриб, у тарбия топган муҳитни кўз олдимга келтирдим. Ўйладимки, балки йигит фақат қизлар орасида ўсган, ёлғиз ўғил фарзанд бўлган...Ўзининг айтишича, мусулмон, 2 акаси ҳам бор. Ҳамма ўзбек йигитларига ўхшаб қатта бўлган...

У ҳақида бор билганларим ана шулар, қолганлари менинг тахминий хулосаларим. Тахминларим билан сизнинг бошингизни оғритмоқчи эмасман, ўзингиз мантикий яқун ясаб оласиз, деган умиддаман.

Ўша кундан бери ичимда ғалаён. Балки бу менинг аёл кишилигим билан боғлиқдир. Атрофни кузатаман: йигитлар, акалар, укалар, оталар, буважонлар. Ўша кундан бери ЭРКАК деган статусни кидирипман. Мард, бир сўзли, кўпол бўлса ҳам софдил, оилапарвар, қўлингидеги юкингни кўтариб, автобуска чиқариб кўядиган, ўрнини тенгдош қизларга-да бўшатиб берадиган йигитларимиз, акаларимизни кўриб бир қувонсам, оёқларини чалиштириб ўтириб, аёллар ички кийимини-ю, лаб бўёғини сотиб ўтирган, русча акцент яратаман деб нозланганнамо сўзлайдиган «ЗАМОНАВИЙ ИНСОН»ларни кўриб, аламдан «дод» деб юборгим келади.

Сиз аёлларни, қизларни тенг ҳуқуқликка даъвогар эканига ўз мулоҳазангизни айтдингиз. Келинг, энди биз ожизанинг сўзини ҳам тинглаб кўринг.

Турк сўфийларида ажойиб бир мақол бор: «Erkek arslan arslan-da, dizim arslan arslan degilmi?» (Эркак шер шер-у, урғочи шер шер эмасми?). Буни Ислом аҳкомларига қарши бир фикр деб тушунманг, мен ЭРКАК мавқеи ва ЭРКАК пойини кўзимга суртмоқ истайдиган жажжи бир қизалоқман. Ва агар бунга арзишса...

Ғалат ҳолат...ОДАМлар ТАНГРИга исён қилиб ўз жинсини ўзгартиришяпти, маълумотингиз учун, аёлга айланмоқчи бўлганлар, эркак бўлмоқчилардан икки ҳисса кўп.

Ажаб ришталар...ЭРКАК ЭРКАКка қизиқишни бошлади. Бошлади эмас, бу ришталар тарихни-да булғаб бўлганди. Бугун баъзи давлатлар бир жинслилар никоҳини қонун билан белгилаб ҳам қўйди.

Ажаб ЭРКАКлар...Аҳли аёлини хорижга жўнатиб қўйиб, ўзи Western Unionга қатнашни ўрганди.

Ғалат ЭРКАКлар...Юзига упу, лабига бўёқ суриб, қошларини териб, «имидж» яратиб, суратга тушяптилар.

Сиз айтасизки, биз «ожизалар» ҳар нарсангизни олиб қўйдик..., сизни кўчада уялтириб, ЭРКАКка айланиб қолдик..., ОИЛА ТўРини эгалладик..., сиз кийганни кийдик, ичаётганингизни киприк қоқмай симирдик. ҲАҚСИЗ! МУТЛАҚО ҲАҚСИЗ! Бугунги кун заифаси

ю қоридагиларнинг ҳаммасини қилди, қиляпти ҳам. Биз эркаклашдик, бунинг натижасида сиз аёллик вазифаларни бўйнингизга олдингиз. АММО қачондан бошлаб? Азиз акажонлариму укажонларим, ўзингизга ҳеч шу саволни бериб кўрганмисиз? Лаббай, аёлликнинг ифғатли аъзолари очилган кунми? Ўша куннинг эртасидан бошладикми? Ёки бунга сизлар бизга секин-аста тутқазган ҲАЁТ жиловни туфайли йиллар давомида эришдикми? Тангри бизни сизнинг жон-бағрингизда жойлашган қовургангиздан яратган, биз сиз айтгандек, «қирқта жонли», ўз хожасига итдек содик АЁЛЛАРМИЗ (кит - вафо, хотин - жафо) мақолини ўзгартиринг), қачонки, сиз бизни РИЦАРдек ҳимоя қилсангиз, агар сиз бизни СЕВСАНГИЗ ва агар кўпол бўласизми, айикполвонга ўхшайсизми, чинакам ЭРКАК бўлсангиз...

Азизларим, шундоқ ҳам дунёмиз борган сари кўрқинчилашиб кетаяпти. Агар бир жинснинг иккинчисига танқиди бирор нарсани ўзгартира олса, миллион марта сизга мактуб ёзган бўлардим. ЭРКАК деган ном билан туғилиб, шу шарафли ном билан яшашингизни истаймиз, холос. Токи, биз ҳеч бир ишни сизсиз қилолмайлик, сизчалик удалолмайлик ва бундан уялиб, сиздан «тортиб олаётган»ларимизни ўзингизга табассум билан қайтарайлик, сиз кўришни истайдиган аёл-қизлар бўлайлик.

(Жузъий қисқартириш билан босилди.)

Эркакмисиз? Йўқ-э!



**Ижтимоий-сиёсий,
илмий, адабий -
публицистик газета**
Бош муҳаррир:
С.Байдуллаев.
Муҳаррир ўринбосари:
Б.Норбоев.
Дизайн:
У. Қурбонтюев.
ОБУНА ИНДЕКСИ: 64502

Тахририят манзили: Чимкент шаҳри, Интимоқ микрорайони, 1-уч. Тел.: 8(7252)292587.
Мулк эгаси: Якка тадбиркор «С.Байдуллаев».
Қозоғистон Республикасининг Алоқа ва ахборот вазирилик, Ахборот ва архив қўмитаси, даврий босма нашрларни ва Ахборот агентликларини рўйхатга олиш тўғрисидаги 12310 - Г сонли, 2 февраль 2012 йилда берилган гувоҳномага асосан босилмоқда.
Адади: 2000 дона. «М-press» босмаҳонасида чоп этилди. Буюртма №.
Таралиш худуди: Қозоғистон Республикаси.
Газета бир ойда бир марта нашр этилади.

1. Муаллифларнинг фикри газета тахририяти аъзолари фикри билан айнан бўлмаслиги мумкин.
2. Барча муаллифлик ҳуқуқлари Қозоғистон Республикаси қонунлари билан ҳимояланган.
3. Газетанинг асосий мақсади миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштиришдир. «Туркистон тонги»да миллатлараро дўстликка раҳна соладиган мақолаларга ўрин берилмайди.
4. Ўқувчиларимиз маънавияти бойлигини ҳисобга олиб, саҳифалардан ножоиз жойларда фойдаланмаслигига умид қиламиз.
5. Газетадан олинган мақолалар ёки иқтибослар «Туркистон тонги»дан олинганлиги кўрсатилиши лозим.

